**_2__ - сонли ШАРТНОМА**

**Тошкент ш.** **«_7_» _июнь____ 2022 й.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази** (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади), номидан Низомга асосан фаолият юритувчи ____________________________ ___________________________________, бир томондан ва **“FIRST ART MEDIA” масъулияти чекланган жамият**, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади, номидан Уставга асосан фаолият юритувчи директор Кучкарбеков Т.П., иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар”, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартномага кўра, Ижрочи Буюртмачининг буюртмасига асосан Давлат тест маркази учун 6 та **видеоролик** (кейинги ўринларда “**телемаҳсулотлар**”деб юритилади) тайёрлаб бериш мажбуриятини, Буюртмачи эса, Ижрочи томонидан тайёрланган телемаҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини Ижрочига тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Тарафлар мазкур шартнома ва телемаҳсулотлар сметасида кўрсатилган хизматларнинг аниқ турлари, уларнинг миқдори ва хизмат кўрсатиш муддатлари доирасида ўз мажбуриятларини амалга оширади.

## II. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚСсиз 45 000 000 (қирқ беш миллион) сўм.

2.2. **Буюртмачи:**

- Ижрочига буюртма берган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида ажратилган молиялаштириш маблағининг 30% миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади;

- телемаҳсулотлар учун ажратилган маблағнинг қолган 70% қисмини, “Ижрочи” томонидан тақдим қилинадиган ҳисоб-фактуралари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаси қабул қилинган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида Ижрочининг ҳисобрақамига ўтказиб бериш орқали амалга оширади.

2.3. Тарафлар ўртасида молиявий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши келишилган смета асосида олиб борилади. Телемаҳсулотларни сметаси ва уни ишлаб чиқариш муддатларига ўзгартиришлар Ижрочи ва Буюртмачининг келишилган таклифларига асосан амалга оширилади.

2.4. Телемаҳсулотларни Буюртмачига кўриб чиқиш учун топшириш муддати __________ҳисобланади. Тарафлар келишувига кўра ушбу телемаҳсулотларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

## III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

3.1.1. Ижрочидан мазкур шартнома асосида берадиган буюртмасига мувофиқ келиб чиқадиган хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш.

3.1.2. Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар, сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), эфир талабларига, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилишни рад этиш.

3.1.3. Шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш.

**3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

3.2.1. Эфир хусусиятидан келиб чиқиб маҳсулотни тайёрлаш учун ижодий гуруҳ ажратиш ва ҳамкорликда иш ташкил этиш.

3.2.2. Маҳсулотни тайёрлашдан аввал маҳсулотнинг бадиий савияси, эфир хусусияти, адабий тил нормаларига амал қилиш ва яна бошқа зарур деб ҳисобланган ҳар қандай таклиф, талаб, билдиришларни ёзма равишда Ижрочига етказиш, уларнинг ижроси устидан ишлаб чиқариш жараёнида ўз вакили орқали қатъий назорат ўрнатиш.

3.2.3. Шартнома асосида берган буюртмасига мувофиқ кўрсатилган хизматлар кўрикдан ўтказилиб, маъқуллангач мазкур хизматларни Ижрочидан қабул қилиш.

3.2.4. Кўрсатилган хизматларни ҳақини мазкур шартноманинг II-бўлимида белгиланган муддатларда Ижрочига тўлаб бериш.

**3.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:**

3.3.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачидан мазкур шартномага мувофиқ олдиндан тўловни ҳамда тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш.

3.3.2. Кўрсатилган хизматларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортган ҳолларда Буюртмачидан етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

**3.4. Ижрочининг мажбуриятлари:**

3.4.1. Буюртмачининг берган буюртмаси ва мазкур шартнома шартларида белгиланган сифатда ва муддатларда тегишли хизматлар кўрсатиш.

3.4.2. Хизматларни кўрсатиш жараёнида буюртма, шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талаби билан аниқланган барча камчиликларни ўзаро келишилган ҳолда оқилона белгиланган муддатларда бартараф этиш.

## IV. Тарафлар жавобгарлиги

4.1. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Буюртмачи Ижрочига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда Ижрочи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган Тарафни, шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хизматлар кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги сабабли етказилган зарарларни қопланишидан озод этмайди.

4.3. Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар, сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), эфир талабларига, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачига белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.4. Ижрочи томонидан лозим даражада кўрсатилган хизматларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортган ҳолларда, Буюртмачи Ижрочига кўрсатилган хизматларнинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни нормалари билан белгиланади.

## V. Форс–мажор

5.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, тарафлар жавобгарликдан озод этилади. Форс-мажор ҳолатлар Вазирлар Маҳкамасининг “Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини

тасдиқлаш механизмини амалга киритиш тўғрисида" 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарорига биноан белгиланади.

5.2. Буюртмачининг берган буюртмасига биноан Ижрочи томонидан хизматлар кўрсатилаётган вақтда, яъни телемаҳсулотлар тайёрлаш жараёнида об-ҳаво шароити, табиий офатлар, давлат аҳамиятига молик тадбирлар, сценарийда келтирилган воқеа - ҳодиса ва фасллар ўзгариши зарурияти туғилганда, томонларнинг ўзаро келишувига кўра хизмат кўрсатиш муддатлари ва шартноманинг айрим шартларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**VI. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

6.1. Тарафлар шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайдилар:

- қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;

- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;

- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

6.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

6.3. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

- назорат қилувчи органлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа турдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

- қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усули, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

6.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

6.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларга оид белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши, шунингдек ушбу тарафдан маълум муддат ичида тегишли чоралар кўрилиши ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор этишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг бу талаби иккинчи тараф томонидан

бажарилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## VII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида мазкур шартнома шартларини бажариш вақтида юзага келиши мумкин бўлган барча келишмовчилик ва низолар, Тарафларнинг ўзаро келишуви билан, агар келишувга эришилмаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

## VIII. Қўшимча шартлар

8.1. Шартнома Тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

8.2. Шартнома, бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, ҳар икки Тарафга сақлаш учун топширилади.

8.3. Шартномага ўзгартириш ёки қўшимча киритиш фақатгина Тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма тартибда амалга оширилади.

## IX. Тарафларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

**Ижрочи:**

**“FIRST ART MEDIA” МЧЖ**

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Эркин кўчаси, 176 - уй. Индекс: 111809.
х/р: 2020 8000 9051 0840 2001
“Ориент Финанс” ХАТБ Тошкент ш, Чилонзор бўлими, МФО: 01096
СТИР: 306 619 884

**Директор** ___________ **Кучкарбеков Т.П.**

**Буюртмачи:**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази**

Манзил: Тошкент ш. Боғишамол кўчаси 12-уй.
СТИР 200626780
Ҳ/р 400110860262667096300045001
Молия вазирлиги Ғазначилиги
Ҳ/р 23402000300100001010
МФО 00014 СТИР 201122919

**Директор ўринбосари** ___________ **С.Раджабов**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 93360 на приобретение Услуги по изготовлению видеоролика

Способ проведения электронный

Дата 02.06.2022

Время рассмотрения 01.06.2022 15:29

Конкурсная комиссия Государственный центр тестирования при Кабинете Министров Республики Узбекистан, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | Батиров Шерзод Негмуратович | Заместитель директора | Государственный центр тестирования при КМ РУз |
| **Секретарь комиссии** | Madrahimova Guljahon Ro'zimboy qizi | Юрист | Давлат тест маркази |
| **Член комиссии** | NURMATOV JAVLONBEK ABDUNABIYEVICH | Начальник управления | Государственный центр тестирования при КМ РУз |
| **Член комиссии** | SHARIPOV BEXZOD BASHIRULLAYEVICH | Начальник управления | Государственный центр тестирования при КМ РУз |
| **Член комиссии** | RADJABOV SARDOR BAXTIYOROVICH | Заместитель директора | Государственный центр тестирования при КМ РУз |
| **Член комиссии** | TALIPOVA SAYYORA KAMILOVNA | главный бухгалтер | Государственный центр тестирования при КМ РУз |
| **Член комиссии** | OCHILOV NIZOMIDDIN NAJMIDDIN O‘G‘LI | Начальник отдела | Государственный центр тестирования при КМ РУз |
| **Член комиссии** | ABDINAZAROV ULUGBEK MUYASSAROVICH | Ишлар бошкармаси бошлиги | Давлат тест маркази |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.06.2022 года № лота 93360.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по изготовлению видеоролика** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуги по изготовлению видеоролика |
| Количество товара | 6.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 10 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 60 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 videoroliklar shu sohada ko‘p yillik tajribaga ega bo‘lgan mutaxassislar tomonidan tayyorlanishi; unda rejissyor, operator, rassom, grim ustasi, chiroq ustalari kabi malakali ijodiy guruh ishlashi;

Тип: Текстовое значение

Описание: videoroliklar shu sohada ko‘p yillik tajribaga ega bo‘lgan mutaxassislar tomonidan tayyorlanishi; unda rejissyor, operator, rassom, grim ustasi, chiroq ustalari kabi malakali ijodiy guruh ishlashi;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **TASHKENT FILM-STUDIO MCHJ** | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО FIRST ART MEDIA** | 10 | 33.33 | 9 | Экспертная | | |

Критерий №2 videoroliklarning sifati yuqori bo‘lishi va telekanallarning barcha talablariga to‘g‘ri kelishi; videoroliklarni telekanallarda yoritish rejalashtirilgani sababli kadr orti matnlari malakali suxandonlar tomonidan o‘qilishi. barcha videoroliklar o‘zbek va rus tillarida tayyorlanishi;

Тип: Текстовое значение

Описание: videoroliklarning sifati yuqori bo‘lishi va telekanallarning barcha talablariga to‘g‘ri kelishi; videoroliklarni telekanallarda yoritish rejalashtirilgani sababli kadr orti matnlari malakali suxandonlar tomonidan o‘qilishi. barcha videoroliklar o‘zbek va rus tillarida tayyorlanishi;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **TASHKENT FILM-STUDIO MCHJ** | 10 | 10 | 6 | Экспертная | | |
| **ООО FIRST ART MEDIA** | 10 | 33.33 | 9 | Экспертная | | |

Критерий №3 ishtirokchilardan takliflar bilan birga ssenariy va ssenariyga tegishli bo‘lgan rejissorlik raskadrovkasi talab etiladi; raskadrovka komissiya a’zolari to‘liq tasavvurga ega bo‘ladigan darajada ifoda etilgan bo‘lishi kerak.

Тип: Текстовое значение

Описание: ishtirokchilardan takliflar bilan birga ssenariy va ssenariyga tegishli bo‘lgan rejissorlik raskadrovkasi talab etiladi; raskadrovka komissiya a’zolari to‘liq tasavvurga ega bo‘ladigan darajada ifoda etilgan bo‘lishi kerak.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **TASHKENT FILM-STUDIO MCHJ** | 10 | 10 | 2 | Экспертная | | |
| **ООО FIRST ART MEDIA** | 10 | 33.33 | 7 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ООО FIRST ART MEDIA** | 60 000 000.00 | 45 000 000.00 | 29.05.2022 23:56:43 | 100.00 |
| **TASHKENT FILM-** | 60 000 000.00 | 49 800 000.00 | 26.05.2022 | 90.36 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **STUDIO MCHJ** | | | 00:10:03 | |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO FIRST ART MEDIA** | Прошел | 100 | 100 |
| **TASHKENT FILM-STUDIO MCHJ** | Прошел | 90.36145 | 90.36145 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 93360 от 02.06.2022 года на приобретение Услуги по изготовлению видеоролика определила победителем:

OOO FIRST ART MEDIA
306619884

и резервный исполнитель: TASHKENT FILM-STUDIO MCHJ (307541904)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | TALIPOVA SAYYORA KAMILOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | OCHILOV NIZOMIDDIN NAJMIDDIN O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURMATOV JAVLONBEK ABDUNABIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHARIPOV BEXZOD BASHIRULLAYEVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | Батиров Шерзод Негмуратович | Согласен | |
| **Член комиссии** | RADJABOV SARDOR BAXTIYOROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDINAZAROV ULUGBEK MUYASSAROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП